

# ШАРТНОМА ШАКЛИ

## 10 - сонли шартнома

Узун тумани

2022 йил "01" феврал

Узун тумани тиббиёт бирлашмаси номидан низом асосида иш юритувчи С.Юлдошов бир томондан (бундан бўён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) хамда ШОХ-Нуршох МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи З.Мажидов, иккинчи томондан (бундан бўён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) кўйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ тиббиёт бирлашмасида ётиб даволанаётган беморларга иссик овкат тайёрлаб бериш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажralmas қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. Буюртмачининг хуқуклари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хохишига кўра кўйидагиларни талаб қилиш:

  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

#### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

#### 2.3. Бажарувчининг хуқуклари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний хисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

#### 2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириқка биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан бепул четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 20088000(Йигирма миллион саксон саккиз минг ) сўм, (ККС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фойзи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг хисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича хисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг хисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талбларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси хисобварак-фактура тузилган кун деб хисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топширикка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), поча орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) қабул қиласанда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганилиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланған суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплади.

5.4. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод килмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Сурхондарё вилояти Иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги

ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир килса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вакти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳакида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай мажбуриятларнинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш хукуқидан маҳрум қиласи.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санаисидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ Буюртмачига оширганди.

### VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноконуний устунликларга ёки бошқа ноконуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширайдайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширайдайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усууллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай харакатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан тақкослаганда асосиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа харакатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қиласа, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга кадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган харакатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий

фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги турли тартибларни таъминлайдилар.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равища тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласи.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

### 11. Томонларнинг юридик манзили.

<p><b>«ТАЪМИНОТЧИ»</b></p> <p>Номи: Шоҳ Нуршоҳ МЧЖ Манзил: Узун тумани Маландиён маҳалласи</p> <p>Тел: телеграм +998915155865 Х.Р. ИНН 307328527      МФО: 00745</p> <p>“ДТ” Халқ БАНКИНинг СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ Узун филиали</p> <p>Рахбар: _____ “SHO” NURSHOX MAS’ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT (имзо)</p> <p>3.МАЖИДОВ</p>	<p><b>«ИСТЕМОЛЧИ»</b></p> <p>Номи: Узун туман тиббиёт бирлашмаси Манзил: Узун туман Янгикуч маҳалласи</p> <p>Тел/факс; 44 76 024</p> <p>ЎзРесп.Молия вазирлиги Фазначилиги ИНН: 201122919 Б\К: 00014</p> <p>Тошкент шахар Марказий банки XKKM х/р: 100022860222217073102054001 СТИР: 201-066-766 Оконх 91-511</p> <p>Рахбар: _____ С.Н.Юлдошов. (имзо)</p>
---	--

## СПЕЦИФИКАЦИЯ

2021 йил 01-февралдаги № 10- сонли тузилган шартномага асосан

Илова: Лот № 19426


Таъминотчи: «Шох Нуршох» МЧЖ

Истеъмолчи: Узун тумани тиббиёт бирлашмаси

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий суммаси
1	Эрталабки нонушта	Порция	930	6460	6007800
2	Картошкали соус, компот	порция	270	7570	2043900
3	Макарон шўрва	порция	270	7570	2043900
4	Шавла, компот	порция	270	7570	2043900
5	Гречкали шўрва	порция	150	7570	1135500
6	Горохли ош, компот	порция	270	7570	2043900
7	Перловкали овкат	порция	240	7570	1816800
9	Мастава	порция	120	7570	908400
10	Палов (ош), компот	порция	120	7570	908400
11	Макарон палов, компот	порция	150	7570	1135500
ЖАМИ:					20088000

Йигирма миллион саксон саккиз минг сўм оғтийин.

Таъминотчи: З.Мажидов



Истеъмолчи: С.Юлдошов



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi "Shartnoma"

2. Loyihaning nomi "Kelishuv shartnomasi"

Uzun tumani tibbiyot birlashmasi nomidan nizom asosida ish yurituvchi S.Yuldashev bir tomondan (bundan buyon matnda "Bajaruvchi" deb yuritiladi) hamda ShOX-Nurshox MChJ nomidan nizom asosida ish yurituvchi Z.Majidov, ikkinchisi tomondan (bundan buyon matnda "Buyurtmachi" deb yuritiladi) quyidagilarhaqida mazkur shartnomani shartlarini bajarish to'g'risida.

Asos: "03.02.2022 yilda tuzilgan shartnoma.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshyuristkonsulti

03.02.2022 yil.



M.Minkulov.